



“АВЕСТО”ДА ИҚТИСОДИЙ ОНГГА МУНОСАБАТ

Худойкулов Азамат Бешимович

Иқтисодиёт ва педагогика университети
Тарих ва ижтимоий фанлар кафедраси доцент в.б.

E-mail: azamatxudoukulov @ gmail.com

Тел.: +998 (91)-562-77-15

Саидов Шомахмуд Азамат ўғли

Турон университети Педагогика ва
психология кафедраси 1-босқич магистрант

E-mail: shomahmudsaidov @ gmail.com

Тел.: +998 (99)-075-77-15

<https://doi.org/10.5281/zenodo.20606643>

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 04-iyun 2026 yil

Ma'qullandi: 06-iyun 2026 yil

Nashr qilindi: 09-iyun 2026 yil

KEYWORDS

Авесто, иқтисодий онг, зардуштийлик, меҳнат, мулк, ҳалол меҳнат, хўжалик, иқтисодий тафаккур, тежамкорлик, маънавий қадриятлар.

ABSTRACT

Мазкур мақолада “Авесто” таълимотида иқтисодий онг масалалари таҳлил қилинади. Унда меҳнат, мулк, ҳалол рисқ топиш, ерга ишлов бериш, чорвачилик, тежамкорлик ва ижтимоий масъулият каби иқтисодий қадриятларнинг мазмун-моҳияти ёритилади. Шунингдек, зардуштийлик таълимотининг иқтисодий тафаккур ва хўжалик юритиш маданиятининг шаклланишига кўрсатган таъсириилмий манбалар асосида таҳлил этилади.

Инсоният тарихида иқтисодий онг ва иқтисодий муносабатларнинг шаклланишида диний-фалсафий таълимотлар муҳим ўрин тутган. Марказий Осиё ҳудудида вужудга келган энг қадимги манбалардан бири бўлган “Авесто” нафақат диний, балки ахлоқий, ижтимоий ва иқтисодий қарашларни ҳам ўзида мужассамлаштирган. Унда инсоннинг меҳнат фаолияти, мулкка муносабати, ер ва сувдан оқилона фойдаланиш, чорвачиликни ривожлантириш ҳамда жамият фаровонлигини таъминлаш масалалари кенг ёритилган.

“Авесто”даги иқтисодий қарашлар бугунги кунда ҳам иқтисодий маданият, тадбиркорлик ва меҳнатсеварликни ривожлантиришда муҳим назарий манба бўлиб хизмат қилади.

Авесто зардуштийликнинг асосий манбаси ва муқаддас китоби ҳисобланади. У Апастак, Овисто, Овусто, Абисто, Авасто каби шаклларда ҳам ишлатиб келинган. Авесто Ўрта Осиё, Эрон, Озарбайжон халқларининг исломгача даврдаги ижтимоий-иқтисодий ҳаёти, диний қарашлари, олам тўғрисидаги тасаввурлари, урф-одатлари, маънавий маданиятини ўрганишда муҳим ва ягона манбадир. Унинг таркибидаги материаллар қарийб икки минг йил давомида вужудга келиб, авлоддан-авлодга оғзаки тарзда узатилиб келинган.

Мавзуга оид адабиётлар шарҳи. “Авесто” ва зардуштийлик таълимотининг ижтимоий-иқтисодий жиҳатлари кўплаб тадқиқотчилар томонидан ўрганилган. Жумладан, М.Исҳоқов “Авесто”нинг ўзбекча таржимасида ундаги меҳнат, деҳқончилик ва чорвачиликка оид ғояларни шарҳлаган. Mary Boose зардуштийлик тарихига

бағишланган тадқиқотларида иқтисодий фаолиятнинг диний қадрият сифатида талқин этилганини таъкидлайди. А.Маҳкамов ва бошқа маҳаллий олимлар эса “Авесто”нинг миллий маданият ҳамда иқтисодий тафаккур ривожигаги ўрнини ёритган.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, “Авесто”да иқтисодий фаолият фақат моддий манфаат манбаи эмас, балки эзгуликни қарор топтириш воситаси сифатида баҳоланган.

Зардуштийлик дини расмий тус олгунига қадар Авестонинг бўлаклари Турон ва Эрон замини халқлари орасида тарқалган. Ушбу – Ахура-Мазданинг Зардушт орқали юборилган илоҳий хабарлари деб ҳисобланган бўлақлар турли диний дуолар, мадҳиялар сифатида йиғила бошланган. Булар Зардуштнинг ўлимидан кейин китоб ҳолида жамланган ва «Авесто» – «Ўрнатилган, қатъий қилиб белгиланган қонун-қоидалар» деб ном олган.

Бу қадимий ёзма манба бизгача тўлиқ ҳолда етиб келмаган. Авесто ҳақида Абу Райҳон Беруний (ваф. 1048 й.) шундай ёзади: «Йилнома китобларида бундай дейилган: подшоҳ Доро ибн Доро хазиnasiда [Авестонинг] 12 минг қорамол терисига тилло билан битилган бир нусхаси бор эди. Искандар оташхоналарни вайрон қилиб, уларда хизмат этувчиларни ўлдирган вақтда уни куйдириб юборди. Шунинг учун ўша вақтда Авестонинг бешдан учи йўқолиб кетди».

Дастлаб “Авесто” матнлари оғзаки равишда сақланиб келган. Унинг энг қадимий қисмлари 2 минг йиллик охири 1 минг йиллик бошларига оид бўлиб, кейинги асрларда унинг таркиби турли диний урф-одатлар баёни, ахлоқий, ҳуқуқий қонун-қоидалар билан тўлдирилиб борилган. Милодий учинчи асрда қонунлардан иборат Авестонинг шарҳи “Зенд” (парфиёнча, “шарҳланган матн”) ёзилган.

“Авесто” мил. авв. II асрда Аршакийлар сулоласи даврида илк марта оромий алифбосида кўчирилган. Шопур II (243-273) ва Хусрав I (531-579) замонларида унинг нусхалари яратилган. IX асрда ёзилган “Денкарт” (“Имон фаолияти”) Сосонийлар ҳукмронлиги даврида ёзилган қомусий луғат бўлиб, у ўз ичига бадий ва тарихий маълумотларни олган. Даставвал 9 бўлимдан иборат бўлган, кейинчалик унинг 2 қисми йўқотилган. Аббосий халифа ал-Маъмун ибн Ҳорун Рашид даври (813-833)да Атурфарнбаг (Атурфат ибн Ҳамат) томонидан тўпланган) асари “Авесто”нинг 21 қисмдан иборат бўлганини қайд этади. Диндорлар кундалик фаолияти учун унинг ихчамлаштирилган шакли - “Кичик Авесто” (“Хурдак Авесто”) яратилган.

VII асрда Эронга исломнинг кириб келиши зардуштийларни Ҳиндистонга кўчиб ўтишга мажбур қилди. Уларнинг авлодлари (форсийлар) Мумбай шаҳрида ўз жамоаларида ҳозиргача “Авесто”нинг бир нусхасини сақлаб келадилар.

Авестонинг энг қадимий қисмларида Зардушт туғилган ва ўз фаолиятини бошлаган юрт ҳақида маълумот берилган. Унда айтилишича, «бу мамлакатнинг кўп сонли лашкарларини ботир саркардалар бошқарадилар, баланд тоғлари бор, яйлов ва сувлари билан гўзал, чорвачилик учун барча нарса муҳайё, сувга мўл, чуқур қўллари, кенг қирғоқли ва кема юрар дарёлари ўз тўлқинларини Иската (Скифия), Паурута, Моуру (Марв), Харайва (Арея), Гава (суғдлар яшайдиган юрт), Хваразм (Хоразм) мамлакатлари томон элтувчи дарёлари бор».

Шубҳасиз, «кенг қирғоқли, кема юрар дарёлар» бу Амударё ва Сирдарё бўлиб, Авесто тасвирлаган мазкур шаҳарлар Ўрта Осиё шаҳарларининг бу икки дарё қирғоқларида жойлашганларидир.

Шунга асосланиб, биз Зардуштнинг ватани, зардуштийликнинг илк макони ва Авестонинг келиб чиқиш жойи деб – Хоразм, тарқалиш йўналиши деб – Хоразм-Марғиёна-Бақтрияни айта оламиз.

Тадқиқот методологияси. Тадқиқот давомида тарихийлик, тизимли таҳлил, қиёсий таҳлил ва мантиқий умумлаштириш усулларидан фойдаланилди. Авесто матнлари ҳамда мавзуга оид илмий адабиётлар ўрганилиб, улардаги иқтисодий мазмундаги қарашлар таҳлил қилинди. Шунингдек, зардуштийлик таълимотидаги иқтисодий кадриятларнинг замонавий иқтисодий онг билан боғлиқлиги аниқлаштирилди.

Ҳозирги вақтда зардуштийларнинг гебр (Эрон) ва форс (Ҳиндистон) жамоалари сақланиб қолган. Жумладан, Ҳиндистонда зардуштийликка эътиқод қилувчи кам сонли парслар бўлиб, улар VII асрда Ерonga исломнинг кириб келиши оқибатида Ҳиндистонга қочиб келган форс зардуштийларининг авлодлари ҳисобланади. Форсийлар дастлаб Катҳиавардаги Диу ва Гужаротдаги Сенженда яшаганлар. Кейинчалик Мумбай (Бомбей)га кўчиб ўтган зардуштийлар сони 100000 киши атрофида бўлиб, ҳозирги кунда Ҳиндистон аҳолисининг 0,007 фоизини ташкил қилмоқда. Ундан ташқари Австралия, Европа, Шимолий ва Лотин Америкаси, Россия Федерацияси ва МДХ мамлакатларида зардуштий жамоалари мавжуд.

Зардуштийликнинг ҳозирги давр кишилари, жумладан талабалар учун аҳамияти шундаки, унда одамлар доим покиза юришга, баданни тоза тутишга, ҳар қандай ёвуз ният ва ҳақоратли, асаббузар сўзларни айтмасликка, оила куриш ва уни сақлашга, ота-она ва фарзандларга ғамхўр бўлишга, шахсий ҳаётда мўтадил бўлишга, яъни ҳар бир ҳатти-ҳаракатларни бузмасликка даъват этувчи қоида, насиҳат, ўғитлар баён этилган.

“Авесто”нинг муқаддас китобларида қадимги дунё фалсафасининг 4 асоси (субстанцияси) тупроқ, сув, ҳаво, олов муқаддаслаштирилган. Тупроқ, сув, ҳавони булғаш, ифлослантириш энг оғир гуноҳлар қаторига қўшилган. Ҳатто марҳумларнинг мурдалари ерни, сувни, ҳавони заҳарлаб қўймасликлари учун уларни жасадларини махсус сопол идишларда кўмиш расм бўлган. Охура Мазда “ерга яхши, мустаҳкам уруғлар қадашдан ортиқ савоб иш йўқ” деган. Зардуштийликнинг вазмин, муסיқа билан уйғунлашиб кетган доно ўғитлари она заминга деҳқончилик, чоррвачилик, хунармандчиликка ва Ватанга, халққа улуғ муҳаббат руҳи билан уйғунлашиб кетган. Бу ҳол унда диний мазмунга қараганда дунёвий элементлар кўп бўлганидан далолат беради.

Зардуштийликнинг барча маросимлари, жумладан, Наврўз, Меҳржон байрамлари тантаналарида бу руҳ айниқса улкан қудрат билан намоён бўлган. Бойчечакнинг чиқиши, лолақизғалдоқнинг очилиши, бодомнинг гуллаши, умуман баҳор билан бирга бутун табиатнинг гўзаллашиб бориши эзгулик руҳининг тантанаси бўлиб, уларнинг ҳар бири катта шодиёналикка сабаб бўлган. Одамлар табиатнинг бу гўзалликларини муқаддас билиб, уларни халқ байрамлари ва сайилларига айлантириб юборганлар.

“Авесто”нинг Ят қисмида одамлар ҳалол меҳнат қилишга, ўз қўли билан моддий неъматни яратишга, боқиманда, текинхўр бўлмасликка, буларга йўл қўймай виждонан яшашга даъват этилган.

Таҳлил ва натижалар. “Авесто”да иқтисодий онгнинг асосини ҳалол меҳнат ва бунёдкорлик ташкил этади. Асарда ерга ишлов бериш, боғ яратиш, чорва боқиш ва

инсонларга фойда келтирувчи фаолият энг савобли ишлардан деб кўрсатилади. Жумладан, “Vendidat” қисмида: “Ким ғалла экса, у ҳақиқат уруғини экади” [1, 143-бет]. Мазкур фикр деҳқончиликнинг нафақат иқтисодий, балки маънавий аҳамиятига эга эканлигини англатади.

“Авесто”да меҳнат қилмай яшаш қораланган. Унда: “Ерга уруғ қадаган инсон эзгулик йўлида хизмат қилган бўлади” [1, 145-бет]. дея таъкидлайди. Шунингдек, мулк ва бойликка муносабат ҳам алоҳида ўрин тутади. Бойлик инсоннинг ҳалол меҳнати орқали орттирилиши кераклиги уқтирилади. Бу эса иқтисодий онгнинг ахлоқий асосларини шакллантиришга хизмат қилган. Тадқиқотчилар таъкидлашча: “Зардўштиликда меҳнат ибодат билан тенглаштирилган” [2, 176-бет]. Мазкур қараш инсонларни иқтисодий фаолликка ундаган.

“Авесто”да сув ва ер ресурсларини асрашга катта эътибор қаратилган. Табиий бойликларни исроф қилиш гуноҳ ҳисобланган. Бу эса экологил ва иқтисодий онг уйғунлигини ифодалайди.

Mary Boyce қайд этганидек: “Zoroastrian ethics encouraged productive work and agricultural development” [3, p.119]. Бундан ташқари, оиланинг моддийфаровонлигини таъминлаш ҳам муҳим бурч сифатида талқин этилган. Оила иқтисодий барқарорлиги жамият тараққиётининг муҳим омили деб қаралган.

Хулоса ва таклифлар: Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, “Авесто”да иқтисодий онгнинг асосий мезонлари ҳалол меҳнат, бунёдеорлик, тежамкорлик, мулкка масъулиятли муносабат ва табиий бойликларни асрашдан иборат.

Таклифлар:

1. “Авесто”даги иқтисодий кадриятларни иқтисодий тафаккур тарихини ўқитишга кенг қўллаш мақсадга мувофиқ.

2. Ёшлар орасида меҳнатсеварлик ва тадбиркорлик маданиятини ривожлантиришда “Авесто” ғояларидан фойдаланиш лозим.

3. Экологик иқтисодиёт ва барқарор ривожланишмасалаларини ёритишда “Авесто”даги табиатга масъулиятли муносабат ҳақидаги қарашларни илмий муомалага кенг жалб этиш зарур.

Миллий иқтисодий тафаккур тарихини ўрганишда зардўштилик манбаларига оид тадқиқотларни кўпайтириш тавсия этилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

- 1.Авесто.Таржимон ва изоҳлар муаллифи М.Исҳоқов. - Тошкент: Шарқ, 2001. - 400 б.
- 2.Маҳкамов А. Зардўштилик ва унинг ижтимоий-фалсафий қарашлари. - Тошкент: Фан, 2007. - 256 б.
- 3.A. History of Zoroastrianism. Volume 1. - Leiden: Brill, 1975. - 310 p.
- 4.Асқаров А. Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихию - Тошкент: Университет, 2007. - 320 б.
- 5.Каримов И. Юксак маънавият - енгилмас куч. - Тошкент: Маънавият, 2008. - 176 б.
- 6.Ражабов Қ. Диншунослик. - Тошкент: Тафаккур, 2020. - 352 б.